Ўзбекистон Республикаси Марказий банки

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тизимида ходимлар томонидан меҳнат фаолияти билан боғлиқ совға ва меҳмондўстлик белгиларини қабул қилиш, совға қиймати ва уни тасарруф этиш тартиби тўғрисидаги Низом

(Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2024 йил 29 июндаги 23/11-сонли қарори билан тасдиқланган)

Асосий тушунчалар:

- **совға -** меҳнат фаолияти муносабати билан ходимга жисмоний ва юридик шахслар томонидан бепул тақдим этилган, моддий қимматга эга бўлган мол-мулк ёки беғараз кўрсатилган хизмат;
- **меҳмондўстлик белгиси** - халқаро ва бошқа расмий тадбирлар муносабати билан икки томонлама алоқаларни мустаҳкамлаш ва этикет қоидаларига мувофиқ нонуштага, кофе-брейкка, тушликка, кечки овқатга, оммавий-маданий ва концерт-томоша тадбирларига таклиф қилиш;
- **халқаро тадбирлар** - Марказий банк номидан, унинг расмий вакиллари ҳамда хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар вакиллари иштирокида ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиш, алоқаларни ривожлантириш, тажриба алмашиш мақсадида ташкил этиладиган тадбирлар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси делегациясининг хорижий мамлакатга, хорижий мамлакат делегациясининг Ўзбекистон Республикасига ташрифи билан боғлиқ тадбирлар;
- **расмий тадбирлар** - Марказий банкка юклатилган вазифа ва функциялардан келиб чиқиб, Марказий банк номидан, унинг расмий вакиллари иштирокида ташкил этиладиган, муайян мақсадларга эришишга қаратилган тадбирлар *(расмий қабул, маросим, учрашув, анжуман, семинар, брифинг, симпозиум, тақдимот, давра суҳбати ва бошқа тадбирлар).*

Ходимлар меҳнат фаолияти билан боғлиқ равишда <u>совға олиши мумкин бўлган ҳолатлар:</u>

I. **Алоҳида хизматлари учун Марказий банк тизимида қабул қилинган буйруқ** (қарор, фармойиш) **асосида,** шунингдек мусобақалар ва танловларда ютуқларга эришиш, давлат байрамлари, нишонланадиган саналар ҳамда бошқа расмий тадбирлар муносабати билан мукофотланиш;

II. **Марказий банк тизимида биргаликда меҳнат қилаётган ходимлардан нишонланадиган саналар ва умумэътироф этилган байрамлар** (*таваллуд куни, фарзанд туғилиши, Ватан ҳимоячилари куни, Халқаро хотин-қизлар куни, Янги йил ва бошқалар)* муносабати билан совға олиш;

III. **Хорижда амалга ошириладиган хизмат сафарлари, ўтказиладиган халқаро ва бошқа расмий тадбирлар, шунингдек республика ҳудудида ўтказиладиган халқаро ва бошқа расмий тадбирлар**да иштирок этиш муносабати билан совға олиш.

Меҳнат фаолияти билан боғлиқ совға ёки меҳмондўстлик белгисини қабул қилишда ходимларга қуйидагилар тақиқланади:

- Руҳсат этилгандан бошқа ҳолатларда жисмоний ва юридик шахслардан, шу жумладан **Марказий банк томонидан назорат қилинадиган ташкилотлар** *(тижорат банклари, нобанк кредит ташкилотлари, тўлов ташкилотлари ва бошқалар)* **ҳар қандай шаклда** совға ёки меҳмондўстлик белгисини қабул қилиш **тақиқланади**. Шу жумладан:

  - ***пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари**ни* *(қарз, моддий ёрдам, мукофот, кафолат, кафиллик),*

  - ***тез яроқсиз ҳолга келувчи маҳсулотлар*** *(гулдаста, доналик ширинликлар) ҳамда **канцелярия тўпламлари** (тақвим, буклет, ручка, кундалик ва блокнот)**ни** қабул қилиш **тақиқланади.***

  Халқаро ва бошқа расмий тадбирларда иштирок этиш доирасида чет эл марказий банклари ва уларнинг вакиллари томонидан берилиши мумкин бўлган эсдалик тангалар ва банкнотлар намуналари бундан мустасно;

- ўз хизмат ваколатларини бажариш муносабати билан ўзи ёки бошқа шахслар учун **совға ёки меҳмондўстлик белгиси тақдим этилишини сўраш ёки талаб қилиш.**

- Мазкур Низом талабларига зид келадиган совға ёки мехмондўстлик белгиси бўйича таклиф келиб тушган тақдирда ходим **таклифни дарҳол рад этиши** ва к**оррупцияга қарши ички назорат тузилмасига хабар бериши шарт.**

Чет эл хизмат сафарлари, халқаро ва бошқа расмий тадбирларда иштирок этиш муносабати билан олиниши мумкин бўлган совғага қўйиладиган талаблар:

- Совға уни берувчи томонидан аниқ бир халқаро ва бошқа расмий тадбирлар муносабати билан ихтиёрий тақдим этилган бўлиши;
- Совғани қабул қилиб олувчи томонидан очиқ ва ошкора қабул қилиниши;
- Марказий банкнинг обрўсига (нуфузига) путур етказмаслиги;
- Манфаатлар тўқнашуви ёки коррупциявий хавф-хатарларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмаслиги, хусусан Марказий банк тизими ходимининг хизмат фаолиятида холис қарор қабул қилишига таъсир кўрсатадиган мажбуриятни юзага келтирмаслиги зарур.

Биргаликда меҳнат қилаётган ходимлар ўртасида совғаларни олиш ёки беришда қуйидагиларга риоя қилиниши лозим:

1. совғани олиш манфаатлар тўқнашувини келтириб чиқармаслиги ва совға берувчи олдида бирор-бир мажбуриятларни юзага келтирмаслиги лозим;
2. совға очиқ-ойдин берилади, совға берилаётгани яширилмайди;
3. совғани бериш чоғида совға бериш учун сабаб бўлган воқеа-ҳодиса аниқ баён этилади;
4. совғанинг умумий қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг **5 баробари** (**1,7 млн. сўм**)дан ошмаслиги лозим.
5. Юқорида келтирилган талаблар бузилган ҳолатларда ходим совғани олишни **рад этиши лозим.**

Ходимга меҳнат фаолияти билан боғлиқ равишда берилган совғани тасарруф этиш тартиби:

Совға сифатида расмийлаштирилмасдан ходим ихтиёрида қолдирилади:

- **алоҳида хизматлари учун Марказий банк тизимида қабул қилинган тегишли буйруқ (қарор, фармойиш) асосида, шунингдек мусобақалар ва танловларда ютуқларга эришиш, давлат байрамлари, нишонланадиган саналар ҳамда бошқа расмий тадбирлар муносабати билан берилган совғалар;**
- **биргаликда меҳнат қилаётган ходимлардан нишонланадиган саналар ва умумэътироф этилган байрамлар муносабати билан олинган совғалар;**
- **Чет эл хизмат сафарлари, халқаро ва бошқа расмий тадбирлар муносабати билан тақдим этилган тез яроқсиз ҳолга келувчи маҳсулотлар (табиий гулдаста, доналик ширинликлар), канцелярия тўпламлари (тақвим, буклет, ручка, блокнот).**

Чет эл хизмат сафарлари, халқаро ва бошқа расмий тадбирларда иштирок этиш муносабати билан олинган совғалар ***(тез яроқсиз ҳолга келувчи маҳсулотлар, канцелярия тўпламлари бундан мустасно)*** **– Низомда белгиланган тартибда расмийлаштирилади ва тасарруф қилинади.**

Чет эл хизмат сафарлари, халқаро ва бошқа расмий тадбирлар муносабати билан тақдим этилган совғаларни тасарруф этиш:

1. Ходим тақдим этилган совғани тадбир (хизмат сафари) тугаган кундан бошлаб **3 иш куни** ичида **маъмурий-хўжалик фаолиятига масъул бўлинмага** тақдим этади *(совға қийматини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлса бирга тақдим қилинади).*

2. Совға топширилганлиги юзасидан **топшириш ва қабул қилиш далолатномаси 2 нусҳада** тузилади *(1 та нусхаси совғани топширган ходимга берилади).*

Далолатнома расмийлаштирилгунга қадар совғанинг бутлиги ва сақланиши учун жавобгарлик совғани олган ходим зиммасида бўлади.

3. Ходимда **совғанинг қийматини тасдиқловчи ҳужжат мавжуд бўлмаса**, маъмурий-хўжалик фаолиятига масъул бўлинма томонидан **совғанинг қиймати аниқланади**. *Совғанинг бозор нархи савдо дўконлари, интернет ҳамда бошқа манбалар ва усуллар орқали ўрганилиб, унинг ўртача қиймати аниқланади.*

4. Совғанинг қиймати:

- БҲМнинг **4 (тўрт)** бараваридан кўп бўлмаса совға ходим ихтиёрида қолдирилади;
- БҲМнинг **4 (тўрт)** бараваридан ортиқ бўлса совға тегишлилиги бўйича Марказий банк ёки унинг тасарруфидаги корхона балансига кирим қилинади.

Халқаро ва бошқа расмий тадбирлар муносабати билан ходимнинг оила аъзоларига тақдим этилган совғани тасарруф этиш

Халқаро ва бошқа расмий тадбирлар муносабати билан ходимнинг оила аъзоларига тақдим этилган совға:

- **Марказий банк тизими ходимига берилган совға деб ҳисобланади;**
- **Мазкур Низомда белгиланган тартибда расмийлаштирилади ва тасарруф қилинади.**

Ходимлар томонидан меҳмондўстлик белгисини қабул қилиш тартиби

- **Меҳмондўстлик белгиси** - халқаро ва бошқа расмий тадбирлар муносабати билан икки томонлама алоқаларни мустаҳкамлаш ва этикет қоидаларига мувофиқ нонуштага, кофе-брейкка, тушликка, кечки овқатга ва оммавий-маданий ва концерт-томоша тадбирларига таклиф қилиш.

- **Ходимлар уларга халқаро ва бошқа расмий тадбирлар муносабати билан меҳмондўстлик белгиси сифатида билдирилган таклифни қабул қилиши мумкин.**

- **Бунда, ходим меҳмондўстлик белгиси сифатида билдирилган таклифнинг беғаразлигига шубҳа сезган тақдирда, ушбу таклифни дарҳол рад этиши ва коррупцияга қарши ички назорат тузилмасини огоҳлантириши шарт.**

Марказий банк тизимида ходимлари томонидан меҳнат фаолияти билан боғлиқ совға олиниши масалалари бўйича таркибий бўлинмаларнинг вазифа ва функциялари:

I. **Марказий банкнинг (ҳудудий бош бошқарма, тасарруфдаги корхоналар) маъмурий-хўжалик фаолиятига масъул бўлинмаси (ходими)** - совғанинг қийматини аниқлаш ва уни сақлаш ва Совғалар реестрини юритиш;

II. **Молия-иқтисод фаолиятига масъул бўлинма (ходим)** - совғани Марказий банкнинг (ҳудудий бош бошқарма, тасарруфдаги корхоналар) балансига кирим қилиш;

III. **Марказий банкнинг (ҳудудий бош бошқарма, тасарруфдаги корхоналар) коррупцияга қарши курашиш фаолиятига масъул бўлинмаси (ходими)** -совғалар билан боғлиқ масалаларни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш.

Эътиборларингиз учун раҳмат !